

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
16 ноябрь
ШАНБА
№ 91 (13248)

@haqiqatonline

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2020 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

2020 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2020 йилда 23 март – душанба қўшимча дам олиш кунини этиб белгилансин.

2. 2020 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

4 январь – шанба 2 январь – пайшанбага;

29 август – шанба 31 август – душанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 2 январь пайшанба ва 2020 йил 31 август душанба кунини барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, дам олиш кунини ҳисобланади;

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш кунини ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини бир иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунини қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш

кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш кунини меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касабга уюшмаси кўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларнинг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олиши-

ни ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касабга уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 14 ноябрь

18 ноябрь –
Ўзбекистон

Республикаси

Давлат байроғи

қабул қилинган кун

Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг муштараклиги, тинчлиги ва барқарорлиги тимсолидир. Улар орасида давлат байроғи алоҳида ўрин тутати.

ЮКСАЛГАН ГУРУРЛАР ВИҚОРИ

Ўзбекистон муштараклигида эриш-гач, 1991 йил 18 ноябрь кунини Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Шу қонун билан миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзи сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар байроғимизни ҳурмат қилишлари шарт.

Бугун дунё халқлари Ўзбекистон Республикасининг давлатимиз рамзлари – байроғимиз, гербимиз ва мадҳиямизни яхши билади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига танилишида спортнинг кўплаб турлари жадал ривожланиб бормоқда. Иккидори спортчиларимизнинг муваффақиятлари муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг аҳамияти беқиёс.

1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтган XII ёзи Осиё ўйинларида илк мартаба қатнашган спортчиларимизни хорижлик муҳлис мутахассисларнинг кўпчилиги яхши танитди. Лекин, нуфузли мусобақада кўлга киритилган кетма-кет галабалар кўпчилигининг эътиборини тортди. Айниқса, футбол мусобақасида зафар кучган Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Шўрат Мақсудовнинг финал ўйинидан сўнг давлатимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда жамоадoshiлари билан бирга майдон бўйлаб югургани стадионга келган минглаб муҳлис-ларга ва ҳал қилувчи учрашувни телевизорда кўрган миллионлаб томошабинларга Ўзбекистон ва ўзбек халқини яқиндан танитди.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган ўзбек спортчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақаларида байроғимизни баланд кўтармоқда.

Бугун дунёнинг қайси мамлакатига бормайлик, қайси спорт мусобақасида қатнашмайлик, байроғимизга қараб Ўзбекистондан келганимизни билиб олади.

Давоми 2-бетда ➡

Туризм форуми



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) расмий кўмағида "Ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро туризм кўргазмаси бўлиб ўтди.

Йигирма бешинчи мартаба ўтказилган кўргазмада юртимизда фаолият кўрсатаётган сайёҳлик компаниялари қаторида Беларусь, Грузия, Хитой, Хиндистон, Индонезия, Миср, Жанубий Корея, Малайзия каби 30 га яқин мамлакатлардан 200 дан ортиқ сайёҳлик компаниялари иштирок этди. Бу дунё туризм бозорида Ўзбекистон мавқеи тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Таъкидлаш керакики, юртимизда йил сайин замонавий инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилиб, янги сайёҳлик йўна-

лишлари очилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг ўзида 220 дан ортиқ меҳмонларни жойлаштириш объектлари ишга туширилган. Келгуси йилда яна 300 та шундай лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида намоён бўлиши билан мазкур кўргазмани ўтказишдан мақсад – Буюк Ипак йўлининг маданий, тарихий ва табиий меросини тарғиб қилиш ва ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Уч кун

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ



давом этган форум нихоятда қизиқарли ўтди. Унда "Шарқ бозори" кўргазмаси, "Ипак йўли лаззати" миллий таомлар фестивали, "Вино туризми. Ривожланиш салоҳияти" тақдироти ўтказилди. Айниқса, "Хунармандлар шаҳри" экспозицияси одамлар билан гавжум бўлди. Экспозицияда республикамизнинг ҳар бир ҳудудига хос бўлган хунармандчилик мактаблари билан танишиш имконияти яратилди. Павильонлар бўйлаб стендларнинг алоҳида йўналишлар бўйича қўлай жойлаштирилгани ҳам мулоқотларнинг самарали ва фойдали кечишига замин яратди.



Кўргазмада Тошкент вилояти туризм салоҳиятини намоён этиш учун бетақдор стендлар ҳам иштирокчилар эътиборини тортди. Хусусан, Бўстонлик туманида қўриқланган "Амурсой" чанги учир курорти, "Чорвоқ" эркин туристик зонасида сайёҳлар учун яратилган қўлайликлар шулар жумласидандир.

Кўргазма доирасида кўплаб самарали келишувларга эришилди, соҳа ривожига хизмат қиладиган шартномалар имзоланди.

К. СЛОМОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар



САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ – САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНМОҚДА

Марказий сайлов комиссияси халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказиладиган мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари ва масъул ходимларидан ташқари, округ сайлов комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда дастлаб Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Русланбек Давлетовнинг вазирлик томонидан Сайлов қонунчилиги тарғиботи оғлиги доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Р. Давлетовнинг маълумот беришича, вазирлик томонидан шу вақтга қадар 6 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Вазирлик тизимида "Адлия

чорлови" мавзуидаги лойиҳа ташкил этилди. Бунда кўчалар, аҳоли гавжум жойлар ва ОАВ орқали сайловга чорловчи ижтимоий рекламалар, баннерлар ва билбордлар ўрнатилади. Айни пайтда вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва "Хуқуқий ахборот" телеграмм канал орқали "Сайлов алифбоси" руқни ташкил этилиб, сайловга оид тушунчалар изоҳи содда, лўнда ва тушунарли тарзда мунтазам бериб борилаётган.

Мажлисда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 11 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Сайлов қонунчилиги тарғиботи оғлиги ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифарларнинг ижросига доир масалалар кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда ➡

САЙЛОВДАГИ НИЗОЛАРГА ҚОНУНИЙ ЕЧИМ

Шахснинг фуқарога айланиш жараёнидаги асосий ҳуқуқларидан бири бу, шубҳасиз, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эгаллигидир. Ушбу ҳуқуқий шахснинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимояси даражасини белгилашда муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг бундан сал кам уч йил аввал эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш билан бирга мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайти-

риш, шунингдек, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш асосий устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган эди. Мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунчиликни тубдан яхшилаш халқаро ва миллий қонунчилик доирасида белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган омиллардан бири саналади.

Давоми 2-бетда ➡

Кўзгудаги ўзимиз

Вилоятимиз аҳолисини маърифатли қилиш йўлида... Йўқ, келинг, ҳеч бўлмаса шу сафар ўзимизни бир оз бўш қўяйлик. Гапни Тошкент вилоятининг мўъжазгина туманидаги мўъжазгина қишлоғида жойлашган мўъжаз кутубхонадан бошлаймиз.


Чиноз туманининг Эски Тошкент қишлоғидаги 27-сонли ўрта мактабни тугатганман. Айнан ўша мактаб ортида йўлақларидан зах ва эски китобларнинг аллатовур қадрдон ҳиди анқиб турувчи, кўчиб бораётган мовий деворларига буюкларимизнинг чакка томган расмлари илиниқ, жавонларига бундан олтимиш йиллар аввал нашр қилинган, бугун эса унут китоблар терилган беш-олти хоналик кутубхона жойлашган. Жой-

лашганди эмас, жон сақларди. Ҳар кун дарсдан сўнг у ердан портфелимни тўлдираманд, автобусда уйга қайтаётим, ичим қизиб бир бекат олдин тушганча олган китобларимни йўл бўйи томоша қиламан, ҳафсалам етса ўқиб бораман. Бу ҳайрат уйга қадар давом этарди. Уйда, хусусан, хонамда эса мени бошқа ҳайрат қутиб турардики, эсласам, ўша пайтлар сўздан тўқилган сўзанадлар илинган идроким деворларига қадар

ҳаяжондан титраб кетади...

Кутубхонада изгишини яхши кўрардим. Кезиш, ё айланиш эмас, айнан изгишни. Негаки, эрта баҳор қўлимизга олиб олганимиз иссиқ кийимларни қайта кийиб кирардик бу зах хоналарга. Совуқдан изиллаб кезинишни менимча, изгиш дейдилар. Бизни у ерда жун рўмоли бошидан тушмайдиган Мунаввар опа кўкимтир, қалин лас чопонга ўранганча қулиб қарши оларди. Бу муштипар аёлнинг айтишича, мазкур бинода аввал беш-олтилаб ходимлар ишлаган, кейинчалик қисқартирилган бўлгач ёлғиз ўзи қолган экан.

Кутубхона бир пайтлар, узоқ ўтмишда туманнинг маданият бўлимига "қараган" ва бир оз



ўтиб тумандаги Олмазор қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг Ахборот-ресурс марказига айлантирилган. Ҳалигача тушунмай-

ман, коллеж Чинознинг Олмазор жабҳасида, Эски Тошкентдан тўрт километр узоқда жойлашган.

Давоми 2-бетда ➡

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ – САЙЛОВЛАРДА ТАШВИҚОТИ БОШЛАНМОҚДА

Қонунчилик палатаси депутатлигига 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этишга ижозат берилган жами бешта сиёсий партия қонунда белгиланган мuddатларда ўзининг қурултой ва сьездларини ўтказди. Мазкур тадбирларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Шундан сўнг сиёсий партияларнинг раҳбарлари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни сўраб, Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилди. Марказий сайлов комиссияси экспертлари томонидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлиги Сайлов кодексига белгиланган мuddатларда синчиклаб текшириб чиқилди.

Таъкидлангани, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича барча тадбирлар қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ ҳолда, ошкоралик ва очиқлик муҳитида амалга оширилган.

Марказий сайлов комиссияси текшириш якунларига кўра ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг 14-моддасига мувофиқ, сайловда иштирок этувчи Тadbirkorлар ва ишбилар-

монлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Рўйхатга олинган 750 номзоднинг барчаси олий маълумотли. Шулардан 310 нафари ёки 41,3 фоизи хотин-қизлардан иборат. Бу 2014 йилнинг декабрида ўтган сайловлардагидан қарийб 10 фоиз (31,8) кўпдир. Номзодлар орасида ҳуқуқшунослар 6,9, иқтисодчилар 19,1, шифокорлар 12,4 фозини ташкил қилади. Депутатлик мандати учун 22 фан доктори ва 52 фан номзоди кураш олиб боради. Номзодлар орасида навқирон авлод вакиллари сезиларли даражада кўпайган – 25-40 ёшлар орасидагилар 32,2 фоизни ташкил қилади.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Мажлисида депутатликка номзодлар рўйхатга олиниши билан сайлов жараёнининг муҳим босқичи – сайловда ташвиқоти бошланиши таъкидланди. Бу жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга

оширилади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сайловда ташвиқотини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга Сайлов кодекси ва Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловда ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишига оид ҳужжатлари асосида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилади.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловда ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгилаб қўйилди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновацион фойлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ижро этиш жараёнида 2019 йил 25 июнда Сайлов кодекси қабул қилинди.

жараёни, уни ўтказиш тартиб-тамойиллари ва қоидаларини жамлаб олган бўлиб, қонунчиликни қўллашда бир қатор қулайликлар яратди. Мазкур кодексда сайлов жараёнида иштирок этувчи ҳар бир шахснинг сайлов жараёнидаги фаолияти билан боғлиқ асосий тартиб-қоидалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ҳимоясини таъминлаш бўйича қарорлар ҳам батафсил белгилаб берилган.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби сайлов ҳуқуқини амалга

гиланган бўлиб, бу овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисидаги мурожаатдир. Учаска сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай мурожаатни текшириб чиқиши ва хатоларни тузатиши ёки аризага унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт. Ўшбу рад жавобидан норози бўлган фуқаро маъмурий судга шикоят билан мурожаат қилиш ваколатига эга ҳисобланади.

Савол: Аризанинг суд томонидан кўриб чиқиш мuddати қандай?

Жавоб: Шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қисқа мuddатларда тиклаш орқали уларнинг сайлов жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқларидан эркин фойдаланишини таъминлаш кўзланган ҳолда қонун ҳужжатларида ўшбу тоифадаги шикоятларни кўриб чиқиш учун энг қисқа мuddатлар белгиланган. Хусусан, сайлов комиссиясининг қарорларга доир хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят суд томонидан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса – дарҳол кўриб чиқиши лозим.

Савол: Ўшбу тоифадаги ишлар қайси судлар томонидан кўриб чиқилади?

Жавоб: Сайлов комиссиялари қарорлари устидан арзномалар қоида тариқасида жавобгар жойлашган ҳудуддаги маъмурий судларга топширилади. Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, қўша мажлисларнинг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов каби сиёсий жараён ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, ҳолислик каби демократик принципларга риоя қилган ҳолатда ўтиши учун барчамиз фаол қатнашиб, ҳуқуқларимиз бузилган тақдирда уларни ҳимоя қилишимиз талаб этилади.

Шахноза АХАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси

САЙЛОВДАГИ НИЗОЛАРГА ҚОНУНИЙ ЕЧИМ

Сайлов кодекси лойиҳаси устида ишлаш жараёнида сайловга оид халқаро ҳужжатлар, эллиқдан ортиқ хорижий мамлакатларнинг ўшбу соҳадаги амалий тажрибаси пухта ўрганилди. Лойиҳа жамоатчилиқ, экспертлар, илмий доиралар, амалиётчилар ва мутахассислар муҳокамаси ҳамда халқаро ташкилотлар экспертизасидан ўтказилди. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Венеция комиссияси, МДХ Ижроия қўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб чиққан ҳолда ҳулосалар олинди.

Сайлов кодекси қабул қилинишининг муҳим ҳусу-сиятларидан бири шуки, ушбу кодекс илгари мамлакатимизда бир неча қонун ва қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинган сайлов

оширишда ҳам муайян тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Сайловда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда эса уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланган манфаатларини суд йўли билан ҳам ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Табиийки, мазкур масалада турли саволлар юзга келиш эҳтимоли катта. Масалан:

Савол: Сайлов комиссиясининг қарорлари ва ҳаракатларидан норози бўлган шахс қандай йўл тутishi лозим?

Жавоб: Ўз ҳуқуқи бузилган деб ҳисоблаган шахс сайлов комиссиялари қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга мурожаат қилиши мумкин. Сайлов кодексига сайлов комиссиясига мурожаат қилиниш шарт бўлган ҳолат бел-

Савол: Судга бериладиган аризанинг шакли ва мазмуни қандай бўлиши керак?

Жавоб: Сайлов ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги аризада, умумий тартибда судга бериладиган аризада кўрсатилиши лозим бўлган ҳолатлар билан биргаликда ариза билан судга мурожаат қилаётган шахс сайлов жараёнининг қандай иштирокчиси эканлиги, қарорни қабул қилган сайлов комиссиясининг номи (тартиб рақами), қарорнинг номи (тартиб рақами), чиқарилган санаси, қисқача мазмуни ва аризачининг фикрига кўра, қарор ёки унинг маълум қисми (алоҳида қоидалари) билан бузилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланган манфаатлари қайси қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги, аризачининг талаби ва ҳуқуқини тиклаш усули кўрсатилиши керак.

ЮКСАЛГАН ГУРУРЛАР ВИҚОРИ

– Байроқ куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли, – дейди фахрий спортчи Ш. Мақсудов. – Давлатимиз байроғи биз – спортчилар учун муқаддас, уни доимо баланд тутиш учун боримизни бериб келмоқдамиз. Кўп йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон ёдимда – Хиросима шаҳрида ўтган XII ёзги Осиё ўйинларининг футбол бўйича бахсларида чемпион бўлиб, давлатимиз байроғини ифтихор ва ўзгача фахр билан кўтарган ҳолда майдон бўйлаб югурган эдик...

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган навқирон авлод вояга етаётган экан, уларнинг жаҳон майдонларидаги ғалабалари шарафига Ватанимиз байроғи доим баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 6-22 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 80 га яқин мамлакатдан келган 362 боксчи ўртасида 3 оltин ва биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритиб, дунё бокс тарихида ўчмас из қолдирди.


– Нуфузли мусобақаларда рингга чиқар эканман, қалбимда чексиз гурур-ифтихор, шукроналик туйғуси жўш уради. Билагимга куч, юрагимга шижоат тўлади, – дейди бокс бўйича жаҳон чемпиони Баҳодир Жалолов. – Жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритиб, ғалабамиз эвазига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида қалбим фахр-ифтихорга тўлди, кўзимизда қувонч ёшлари қалқиди. Бу туйғулар эса мени доимо ғалабалар сари ундайди.

Дарҳақиқат, энг нуфузли мусобақаларда ғалабаси шарафига давлат байроғи кўтарилиши ҳар бир спортчининг орзусидир. Бугун барча соҳада ҳамюртларимиз юқори натижаларга эришмоқда. Ҳар бир ёшнинг гурури сабаб давлат байроғи кўкларга кўтарилмоқда. Шу сабабли ҳам юрт байроғи – муқаддас.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎзА мухбири



□ Матбуот анжумани



БАРАКАЛИ ЙИЛ САРҲИСОБИ

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати турли тармоқ ва соҳаларда эришилаётган ютуқ ва муаммолар, истиқболли режалардан кенг жамоатчиликни бохабар қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжуманлари ташкил этаётганидан хабарингиз бор.

Бундай тадбирнинг навбатдагиси куни кеча Нурафшон шаҳрида "Қишлоқ ҳўжалиги – иқтисодий барқарорлик ва халқ фаровонлигининг асосий омил" мавзусида бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари – ҳокимнинг ахборот сийёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Бехзод Қобулов олиб

борди.

Вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари журналистлари, маҳаллий босма нашрлар муҳаррирлари, ижтимоий тармоқлар маъмурилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг матбуот котиблари иштирок этган анжуманда вилоят ҳамда туманлар қишлоқ ҳўжалиги соҳаси

масъулари амалга оширилган ишлар, шунингдек, галдаги вазифалар ҳақида журналист ва блогерларга маълумот беришди.

Анжуманда вилоятнинг қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ ҳўжалиги ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион тех-

нологияларни кенг жорий қилиш, паст ҳосилли экин майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш масалалари, шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммолар атрофида муҳокама қилинди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар-

дан батафсил жавоблар олишди.

Матбуот анжуманида вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Камолдин Шерматов иштирок этди.


Ўз мухбири
Нозим АБДУЛЛА
олган суратлар

У ёқдаги ўқувчилар кутубхонанинг борлигини билишганимиз ўзи? Уйдан йўлқирага зўра пул ундириб чиқадиган ўқувчиларнинг бу ерга келишга, китоб ўқиш, билим орттиришга шароити тўғри келганими? Бундан ташқари, Ахборот маркази деганда кўз олдимизга ҳеч бўлмаса Pentium русумидаги эски компьютерлар "тўрама кўрса бўлди" қабилида қўйиб қўйилиши керак. Бизнинг зах кутубхона учун эса янги нашрларга газета-журналга обун бўлиш ҳам жуда катта, бўрттирма-яппан, жуда катта орзу эди.

Маърифат дарёсининг шундоқ ёнгинасидан шошилиб ўтардик. Чунки, бизнинг спортчилар дунёга машҳур бўлиш йўлида жангларга киришар, уларнинг жонли эфирларини ўтказиб юбориш ҳоинликдек туюлардида. Ўйламасдикки, Батан номини фақат спорт билан эмас, балки билимни кадрлар эришган муваффақиятлар билан ҳам оламга дoston қилиб юбориш мумкин. Биз билмасдик. Бизнинг хаёллар теле-визорда, телефонда эди. Энг қизиғи, "бўш вақтимиз"да иссиқликна мажлис залларига зич ёпирилганча муголаанинг фойдалари ва интернетнинг зиёнлари ҳақида жонқуярлик билан ўқилаётган нутқларни ташналик билан тинглардик. Кутубхонада эса Мунаввар опа жун пайпоқ ҳам иситолмаган оёқларини иш столи остидаги электр печка тафтида тоблаб, бизни кутиб ўтирарди.

Тан оламан, ҳамма вақт ашаддий китоб ўғирси бўлганман, бироқ бу

кутубхонадан китоб ўғрилашга кўзим қиймасди. Ўзи аҳволни кўриб турибсан, яна оламан дейсан, деб шивирлаб қўярди виждоним. "Ўғри"нинг виждонини уйғотар даражада эканми, демак кутубхона ҳолатини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг. Йўқ, буни фожиа демайяпман. Бу, ишонасизми, ҳатто минбарда туриб айтишга арзийдиган гап ҳам эмас. Бу кичик бир қишлоқдаги улкан кўнгилли болақай ҳақида уч сўзлик



ҳикоя: "Мен ўқимокчи эдим..."

Келинг, расмийчиликни, маърифатли бўлиш йўлидаги фидокорона меҳнатларимизни, муголаани тарғиб қилиш тўғрисидаги қарорларни бир четга икки-уч дақиқа суриб турайлик. Китоб, кутубхона, муголаа нима ўзи? Миллат доирасида эмас, май-

ли, бир қишлоқ доирасида ўйлаб қўрайлик. Ўйларганимиз, бармоқларни, Абдулла Қаҳҳорнинг эллиқ еттинчи йилда чиққан қиссаси саҳифалари узра пайпасланмаётган, соvuқдан қўқариб кетган ўсимир бармоқларини кўз олдимизга келтирайлик. Ва бу бармоқлар фарзандимизни бўлсин. Сесканмадигизми? Бир тўқинчи қилт этмаган бўлса, демак... сизни айблаб бўлмайди. Сиз аввалдан шундай бўлгансиз ва

коллежни тугатгач, Россияга ишлаш учун кетаётганда ҳам китобни юкла-ри орасига солиб, ўзи билан олиб кетди. Мен жим эдим. Мунаввар опа ҳам уни тушуниб ортиқча тийхирлик қилмади. Унинг ўрнига уйдан бошқа урта китоб олиб келиб қўйдим.

Тўғри, бу китобни ўқиб дўстим биз орзу қиладиган одобли, сергайрат, фаол йигитча бўлиб қолмади. Лекин, у коллежнинг орқа тарафига ўтиб қилинадиган ишларга кет-

кизадиган вақтини китобга бағишларди. Ахир, гуноҳ қилмаслиқнинг ўзи ҳам қайсидир маънода савоб эмасми? Кутубхона ҳақида гапирмоқчи эдим... Уни асраб қолайлик, дея айюҳаннос солгим йўқ. Шахсан мен Тошкент шаҳрида яшайман. Интернет хизматимда, истаган китобини топиб, уни қозғош шаклига келтириб ўқийман мумкин. Аммо, нимадир ҳеч тинчлик бермайди. Баъзан ўйлаб қоламан, бизнинг кутубхона ҳозир бормикан? Коллежлар фаолияти тугатилгач унинг иши ҳам оғирлашганми аниқ, Бориш учун эса... Қисқаси, мен тугилиб ўсган уй ҳам Эски Тошкентдан Олмазор қадар йўл...

Биз маънавият деймиз. Биз маърифат деймиз. Тарғиб қиламиз. Тарғиб қиламизки, авлодлар билимдон бўлиб ўссинлар! Кутубхоналар эса кейинроқ, қандайдир мўъжиза юз беради, ўз-ўзидан обод бўлиб қолади. Биз тарғиботни тўхтатмасак бўлди.

Энди ўйлайлик, Чинознинг қаеридадир бир болақай бор. У зиё истади. Унинг ўз йўли, миллатимиз олдидаги бурчлари бор. Биз унинг йўлини қақир тиканаклардан тозалолмасак, унга ҳеч йўқ бир имкон, қиккикина шароит яратиб беролмасак, ифтихор билан баён қилаётган ютуқларимиз, биринчи бўлиб тўлдирган пахта режаларимиз, маърифат хусусидаги қарорлар ўқиб эшиттирилганда чалган қизгин қарсакларимиз бекор. Бутун миллат эмас, ҳеч йўқ ўша Болақайга – эртанги кун хабарчисига кўзларини очилиш учун имкон бериш бизнинг қўлимизда. Эҳтимол, шунда номимиз шунчаки ўтиб кетган одамлар эмас, балки улуг ўтмиш солномаларидан жойлар?

Бор гап шу.

Энди бемалол муваффақиятларингиз ҳақида тўлиб-тошиб гапириб беришингиз мумкин. Қўлогим сизда.

Мирзохид МУЗАФФАР

Тўйхат

Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, дейдилар. Устоз ва мураббийлар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун бекиёс меҳнат қиладилар. Шунинг учун ҳам унинг шогирд ус-

тидаги ҳақи бениҳоя катта ва улуғдир. Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Унга фарзандига кўрсатмаган таважжўҳ билан юзланади. Унинг маънавий оламини ўзининг қалб кўри билан иситади. Ички дунёсини илмнинг мўъжизакор зиёси билан мунаввар этади.

МАЗРИФАШ МАНЗИЛИГА ЙЎЛ



билан тезда тил топиша оладиган, интизомли педагог каби хусусиятлари орқали бекаму кўст амалга ошира олди.

Кечагидек эсимизда, университетимизга янги ректор Хасан Бўриев "Агрономия" факультети талабалари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида 4-босқич талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ўтказиш борасида сўз очган эди. Бу эса факультетимиз декани Х. Шералиевда янги ташаббус ва тақдирларни амалга оширишга имконият яратди. Ўша даврда ТошДАУ тажриба хўжалигида "Талабалар бригадаси"ни ташкил қилиш гоёси илгари сурилди. Бундай ташаббус биз, талабаларда бир оз ҳадиксираш ва иккиланш пайдо қила бошлади. Чунки, ўша даврда та-

лабалар ишлаб чиқариш амалиётини ўз вилоятларида ўтаб қайтар эди. Деканимиз Х. Шералиевнинг жонбозлиги, талабчанлиги ва талабаларга ишлаб чиқариш амалиётининг туб моҳиятини тўғри тушунира олгани туфайли биз, талабаларда шижоат пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ва самарали ўтказиш борасида тақдирлар ўртага ташланди, режалар тузилди ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари бошланди.

1997 йил 4 мартда биз, 4-босқич талабалари ишлаб чиқариш амалиётини янги ташкил этилган "Талабалар бригадаси"да бошладик. Бизга амалиёт раҳбари этиб доцент Б. Тўхташев тайинланган эди. Бизнинг зиммасида 45 гектар очик майдонда, 12 гектар плёнка остида пахта етиштириш ва 12 гектар майдонда кузги бўғдой парваришлаш каби масъулиятли вазифа турарди. Янгича тизим, янгича интизом, янгича тажриба. Бу бизларни чинқишга, меҳнатсеварликка, ўз ишининг натижасидан роҳатланишга ўргатди, десак, му болага бўлмайди. Чунки,

тушган чанг ва тупроқларни супуриб чиққан вақтларимиз ҳам бўлган. Устозимиз Ҳамидулла ака бу қийинчиликлар олдида барчамизни жипслашишга, ҳамжиҳатликка ва меҳнатсеварликка ўргатар, юзага келган муаммолар учун тўғри қарор қабул қилишда раҳбар сифатида ўрнат бўла оларди...


Устоз ташаббуси билан ишлаб чиқариш амалиётини бўш вақтларимизда спорт, маънавий-маърифий тадбирлар ҳам уюштириб турилди. Жумладан, волейбол, футбол, шахмат, шашка, теннис ўйинлари бўйича талабалар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Натижада, талабаларнинг фаоллиги ошиб борарди, пировардида, пахта ва бўғдой етиштириш режаси ортиги билан бажариларди.

1997 йил 3 ноябрь куни ишлаб чиқариш амалиётини тугатиб, университетга ўқишни давом эттиришга қайтиб келдик. Устоз берган билим, таълим-тарбия натижасида курсдошларимизнинг деярли барчаси диплом ишини аъло ва яхши баҳоларга ҳимоя қилишди.

Устозимиз шу кунларда кутлуг 70 ёшларини қарши олдилар. Бироқ, биз учун Ҳамидулла ака ҳамон талабалик йилларимиздагидек ёш, навқирон, фидокор ва меҳрибон устоз! Фурсатдан фойдаланиб, уларни 70 ёшлари билан кутлаб, сиҳат-саломатлик, оилавий бахту саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятларида катта муваффақиятлар, хонадонларига файзу барака тилаймиз.

Х. АЛЛАНОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
Ш. АХМУРЗАЕВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
СУРАТДА: Х. ШЕРАЛИЕВ (ўнгда) маслакдор ҳаммаси **Б. ЗАРИПОВ** билан

14 НАФАР ЖУФТЛИККА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ



Тошкент туманида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаши, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси ва Ёшлар иттифоқи томонидан ёшларни оилага тайёрлаш мақсадида ташкил этилган "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби"да таҳсил олган 14 нафар жуфтликка сертификатлар топширилди.

Мазкур мактабнинг бўғалги битирувчилари кўп йиллар биргаликда ҳаёт дорилфунунини ўтаган, тинч-тотув умр кечирган ибратли оилалар билан учрашдилар.

Шунингдек, ёшларга келин-куёвлар ён дафтарчаси тақдим этилди.

Маълумот ўрнида, "Оила" маркази мутахас-

сисларининг ҳисоб-китобига кўра, Тошкент туманида бугун 22 минг нафардан зиёд ибратли оила бор.

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 16 ноябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Фардан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Шарқдан секундида 7-12 метр тезликка эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илқ, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Ижтимоий эълонлар

Қонунчиликдаги янгиликлар Валюта тушуми муддатларини кечиктирган экспортёрларга жарима бўйича имтиёзлар белгиланди

Президентнинг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (ПФ-5856-сон, 24.10.2019 й.).

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, чет эллардан хорижий валютадаги тушумнинг келиб тушиши муддатларини кечиктиришга йўл қўйган экспортёрлар, шунингдек, товарларнинг республикага олиб кирилишини ва уларнинг "эркин муомалага чиқариш" режимида расмийлаштирилишини, ишлар ва хизматлар кўрсатишини белгиланган муддатларда таъминламаган импортёрлар томонидан жарималар тўлашда айрим имтиёзлар белгиланди.

* Жумладан, валюта маблағларининг келиб тушиши ёки республикага товарларни олиб кириш ҳамда "эркин муомалага чиқариш" режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш:

* агар жаримани қўллаш масаласини кўриб чиқиш пайтига келиб таъминланган бўлса – жарима қўлланилмайди;

* агар суднинг жаримани қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб таъминланган бўлса – қўлланилган жарима тўланмайди;

* агар жарима қўлланилгандан кейин 90 кунлик муддат ичида таъминланган бўлса – тўланган жарима Давлат бюджетидан қайтариб берилиши лозим.

Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шахри давлат солиқ инспекциялари

Фойдаланилмаётган объектлар мулкдорларини мол-мулк ва ер солиқлари бўйича қандай ўзгаришлар кутаяпти?

Авалли қонунчилик бўйича мол-мулк ва ер солиқлари ўрнатилган ставкага нисбатан 6 ойгача – икки баробар, 6 ой ўтгандан сўнг – беш баробар, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик ўн баробар миқдорда қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 666-сонли қарори бўйича жорий этилаётган янги тартибга кўра, мол-мулк ва ер солиқлари ўрнатилган ставкага нисбатан 3 ойга қадар икки баробар, 3 ой ўтгандан сўнг – беш баробар, 6 ой ўтгандан сўнг – ўн баробар, 12 ойдан бошлаб келгуси ҳар 12 ойда охириги ошириб қўлланилган миқдорнинг икки баробарига тенг миқдорда белгиланадиган бўлди.

Шу билан бирга, солиқ солиш режими ўзгаришини талаб қиладиган норма бекор қилинди. Яъни, амалдаги норма бўйича юридик шахслар – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни соддалаштирилган тартибда тўлашдан умумбелгиланганига ўтказилган.

Жорий қилинган янги норма бўйича бўш турган объект эгаси юридик шахс – соддалаштирилган тартибда солиқ тўлаш режимида сақлаб қолади.

Эндиликда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланилмаётган объект хўжалик фаолиятига жалб қилинганда таъсирчан солиқ механизмининг қўллаш натижасида охириги 12 ой учун тўланган солиқ суммалари объект мулкдорига қайтарилади.

Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шахри давлат солиқ инспекциялари

Эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақдиф этади!

2019 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖнинг 12.11.2019 йилдаги №07-6/1302-сонли буюртманомасига асосан "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖ тасарруфиде бўлган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Меҳнатобод ҳудуди, "Тақачи" МФЙ манзилида жойлашган "Бобур" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 158 335 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Жамбул ҳудуди, "Кўрсой" МФЙ манзилида жойлашган "Олга" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 144 324 000 сўм. 3. Тошкент вилояти, Пискент тумани, Ўзбекистон ф.х.у., "Лоларик" МФЙ манзилида жойлашган "Ўзбекистон" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 134 038 000 сўм. 4. Тошкент вилояти, Пискент тумани, Қирққизобод ф.х.у., "Кулота" МФЙ, Ёшлик кўчаси манзилида жойлашган "Қирққизобод" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 106 640 000 сўм. 5. Тошкент вилояти, Пискент тумани, Ўзбекистон Мустақиллиги ф.х.у., "Мустақиллик" МФЙ, Ўртаовул қишлоғи манзилида жойлашган "Ўзбекистон Мустақиллиги" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 176 850 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 17 декабрь ва 2020 йил 6 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

2019 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖнинг 12.11.2019 йилдаги №07-6/1301-сонли буюртманомасига асосан "Kuchlik Neft bazasi" МЧЖ тасарруфиде бўлган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Халқобод" МФЙ манзилида жойлашган "ТошДад" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 379 645

000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Йўнгичқоли ҚФЙ, "Кутб юлдузи" МФЙ манзилида жойлашган "Ким Пен Хва" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 158 148 000 сўм. 3. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Ерик" МФЙ манзилида жойлашган "Ўзбекистон" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 187 878 000 сўм. 4. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Ёлбарисов" МФЙ манзилида жойлашган "Ўртасарой" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 226 212 000 сўм. 5. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Янгиллик" МФЙ манзилида жойлашган "Истикбол" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 243 953 000 сўм. 6. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Роватак" МФЙ манзилида жойлашган "Роватак" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 239 755 000 сўм. 7. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Машал" МФЙ манзилида жойлашган "Дўстлик" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 172 214 000 сўм. 8. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Оппок" МФЙ манзилида жойлашган "Ҳақиқат" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 281 582 000 сўм. 9. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Янги ҳаёт" МФЙ, Қумовул манзилида жойлашган "Охунбобоев" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 454 581 000 сўм. 10. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Қайтмас" МФЙ манзилида жойлашган "Қайтмас" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 156 786 000 сўм. 11. Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Саидобод" МФЙ, Саид қишлоғи манзилида жойлашган "Й. Охунбобоев" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 103 521 000 сўм. 12. Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Файзобод" МФЙ, Дўстлик қишлоғи манзилида жойлашган "А. Дўстбеков" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 270 747 000 сўм. 13. Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Холиқберди" МФЙ, Муротали қиш-

лоғи манзилида жойлашган "А. Навоий" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 213 054 000 сўм. 14. Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Гулистон" МФЙ, Мўғол қишлоғи манзилида жойлашган "И. Ҳайдаров" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 173 350 000 сўм. 15. Тошкент вилояти, Қўрай тумани, "Баҳор" МФЙ, Илғор шоҳқўчаси манзилида жойлашган "Нормухамедов" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 241 815 000 сўм. 16. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Номданак ҚФЙ, Заркент қишлоғи манзилида жойлашган "Номданак" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 156 436 000 сўм. 17. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Бўстон ҚФЙ, "Қирғизовул" МФЙ, Чавканчак қишлоғи манзилида жойлашган "Чавканчак" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 168 121 000 сўм. 18. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Наврўз ҳудуди, "Наврўз" маҳалласи манзилида жойлашган "У. Юсупов" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 331 630 000 сўм. 19. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Саксонота ҳудуди, "Марказий" маҳалласи манзилида жойлашган "Саксон ота" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 384 614 000 сўм. 20. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Жамбул ҳудуди, "Кангли" маҳалласи манзилида жойлашган "Жамбул" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 195 782 000 сўм. 21. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҳудуди, А. Яссавий маҳалласи манзилида жойлашган "А. Яссавий" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 227 536 000 сўм. 22. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Истиклол ҳудуди, "Истикбол" маҳалласи манзилида жойлашган "Ўзбекистон" ФЭТШ. Бошланғич баҳоси – 187 096 000 сўм. 23. Тошкент вилояти, Паркент тумани, "Янгиобод" МФЙ, Заркент қишлоғи манзилида жойлашган "Заркент" ФЭТШ.

Бошланғич баҳоси – 307 092 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 17 декабрь куни соат 11:00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 6 январь ва 21 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли ташкилот вакиллари иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш куни олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Талабгор савдо ғолиби бўлган тақдирда, аукцион савдоси натижасига асосан мулкнинг сотиб олиш қийматида 1 фоиз миқдоридаги пул маблағини ғолиблик баённомаси имзоланган кундан бошлаб, 5 банк иш куни ичида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Тел.: +998 71 236-25-53.

www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298.

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

ри 2-4 см.дан иборат жами 600 туп ёнғоқ кўчатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанин душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уй, туман ҳокимлигининг биносиде ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун ичида сотувчи

билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 5 (беш) фоиз комисион йиғимини тўлиниши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган за-

катат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчиси АТБ "InfibANK"даги 20208000700765990001. МФО: 01041, ИНН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар вако-

латли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закатат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ҳар бир мулкка учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: 998-580-112, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz. Лицензия рақами RR 0285.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ДАВЛАТ МУҲОФААЗАСИДА

Куйичирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси қошидаги туғуруқ комплекси ҳомиладор аёллар паталогияси бўлимида капитал таъмирлаш ишлари якунланди.



Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 300 миллион сўм маблағ эвазига қисқа муддат ичида сув таъминоти тизими тубдан янгиланди, иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун замонавий қозонлар ўрнатилди. Ушбу ускуна катта миқдорда энергияни тежабгина қолмай, атроф-муҳитга ҳам зиён етказмайди. Шунингдек, пудратчи ташкилот томонидан беморлар ором оладиган, "Она ва бола саломатлиги" хоналари таъмир-

ланди, бутун бино бўйлаб замонавий сантехника ускуналари ўрнатилди, чиройли ва шинам мебель жиҳозлари келтирилди. Бугунги кунда Куйичирчиқ туманида 26 мингдан ортиқ фертил ёшидаги аёллар истиқомат қилади. Бундай катта контингентни тўла қамраб олиш учун "Пахтазор" фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган туғуруқ мажмуасида 68 та бўлғуси оналарни стационар шароитида даволаш учун қулайликлар яратилган.

Мажмуа ёнида 2 та дорихона мавжуд. Энг муҳими, бу ерда юқори малакали мутахассислардан иборат жамоа шаклланди. Тажрибали акушер-гинекологлар, доялар, неонатолог, анестезиолог, стериллаш бўлими ходимлари, клиник ва биокимё лаборатория шулар жумласидан. Улар гинекологик паталогия хасталикларининг олдини олиш ва даволаш, ҳомиладорлик жараёнларини кузатиб бориш, туғуруқ ва ундан кейинги

даврда тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида катта тажрибага эга.

– Фаолиятимиз давомида биз аҳолига акушерлик-гинекология соҳасига доир ёрдам кўрсатиш жараёнларини мувофиқлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўла амал қиламиз, – дейди туғуруқ комплекси мудири Мирзавали Абдужалилов. – Ҳомиладор аёлларга вақтида ташхис қўямиз, уларнинг аҳолининг доимий равишда кузатиб бориб, саломатлигида рўй бераётган ўзгаришларни қайд этамиз, замонавий профилактика, амбулатор ва стационар даволаш ҳамда реабилитация усулларини қўлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мазкур мажмуада йилига камида 4 мингта чақалоқ дунёга келади. Бу кўрсаткич ўсиб бормоқда. Сабаби, бу ерда яратилган яхши шароитлар нафақат Куйичирчиқ, балки Янгийўл, Оққўрғон ва Чиноз туманлари аҳолиси учун ҳам бирдек маъқул.

– Мажмуанинг малакали шифокорларидан жуда миннатдорман, – дейди "Беруний" маҳалласида истиқомат қилувчи 23 ёшли Нилуфар Турдалиева. – Сабаби, улар ўз ишларида масъулият билан ёндашишади. Кунни кеча мажмуа шифокорлари ёрдамида вазни 4 килограммдан зиёд соғлом қизчанинг онаси бўлдим.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

Тиббий хизмат – жиддий хизмат

Тошкент туманидаги Кўктерак поликлиникасида тажрибали тиббиёт ходимлари кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, Абдували Содиқов номини нафақат беморлар, балки ҳамкасблари ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

СЎЗИ ҲАМ ДАВО

Сабаби аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш бўлими шифокори А. Содиқов ўз устида ишладан завқ олади, соҳага оид янгиликлардан доимо хабардор бўлишга интилади.

Кўп йиллар давомида ортопед-травматолог, умумамалиёт шифокори, туман "Тез тиббий ёрдам" бўлимида раҳбар бўлиб ишлаган Абдували ака бой тажрибага, етарли билимга эга бўлса-да, изланишдан тўхтамайди.

– Устозимиз Абдували акадан кўп нарсаларни ўрганамиз, – дейди ҳамшира Наргиза Орипова. – Улар қабулга келган ҳар бир беморнинг кайфияти билан ҳисоблашади. Даволаш билан бирга яхши муомалада бўлиб, беморнинг кўнглини ҳам кўтарди.

Ўз мухбиримиз



Кўргазма

Менинг оролим

Сўнгги йилларда минтақавий хусусиятга эга бўлган қатор масалалар, жумладан, Орол фожиаси оқибатларининг олдини олиш, кенг жамоатчилик эътиборини ушбу глобал муаммага қаратиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда.

Пискент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган "Менинг оролим" номи кўргазма ҳам юқоридаги тадбирларнинг узвий бўлаги бўлди.

Маданият бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада мазкур мактабнинг "Тасвирий санъат" бў-



лими ва умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари қатнашди.

Кўргазмада иштирокчиларнинг Ўзбекистоннинг бетақор табияти, Орол денгизининг аянчли тақдири тасвирланган суратлари намойиш этилди.

Эътиборлиси, ёшларни табиатни севишга, экологияни асраб-авайлашга қарашли билан тарбиявий аҳамиятга эга бу каби кўргазмалар ва маданий-маърифий тадбирлар эндиликда ҳар ойда ташкил этилиши белгилаб олинди.

Биринчи китобим

ЯНГИ ДАВР ИЛҲОМЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Тошкент вилояти "ТУРОН" ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этилган "Янги давр илҳомлари" деб аталган 19 номдаги китоблар тақдимоти ўтказилди.

Тақдиротда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ри-

вожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарорларининг ижросига эътибор қаратилди.

Тадбирда "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида 22 нафар ёш қаламкашнинг ҳар бири 10 минг нусхада нашр этилган 19 номдаги китоблари иштирокчиларга тақдим этилди. Унда соҳа вакиллари Нодир Жонузоқ,

Азиз Саид, Баҳодир Каримлар сўзга чиқиб, ёшларнинг ижод йўлларига самимий тилакларини билдиришди. Улар ўз фикрларида бугунги кунда давлатимиз томонидан ёш ижодкорларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар, берилаётган имкониятлар ўзбек адабиёти ва шеъриятининг эртанги кунда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида айтиб ўтишди.

Ижодкорларнинг янги қирраларини кашф қилиш, китобларининг нашр этилишида Зомин семинари катта мактаб вазифасини ўтади. Мазкур анжуманда устозлар назарига тушган қаламкашлар бугунги тақдиротнинг асосий сабабчиларига айланишди.

– Бугун биз учун қувонарли кун, – дейди бекободлик ёш ижодкор, "Ватан куёши" китоби муаллифи Ҳафиза Абдумаликова. – Тенгдошларим қаторида илк китобим чоп этилиб, элимиз ҳурмати қозонган шoirлар,

адабиётшунослар томонидан эътироф этилиши менга чексиз илҳом ва куч бағишлади. Шунингдек, бизга кўрсатилган бундай эътибор ижод оламида тинимсиз меҳнат қилишимизда зиммизга катта масъулият юклайди.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан республикамизнинг турли ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган ёшлар аниқланиб, уларнинг илк ижод маҳсуллари "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этилиши аънамага айланган. Бугунча жами 87 номдаги китоблар нашр этилиб, китобхоналар қўлига етказилди. Шу билан бирга, жорий йилга қадар чоп этилган китобларнинг ҳар бири 20 минг нусхада ўқувчилар ихтиёрига тақдим этилди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати етакчи мутахассиси



Хар гал нон ҳақидаги ривоятни ўқиганимда алланечук бўлиб кетаман. Кўз олдимга кенггина ошхонамиз, катта-кичик ўчоқлар ёнига қурилган тандиримиз келади. Ана, онажоним биз, болаларига ишонмай, тандирга ўзлари ўт қалаётдилар. Тандир кизарибдими, дейдилару, оловдан ўзлари хабар оладилар. Тоғорадаги ошган хамирнинг ҳиди ҳам бошқача. Онам унни сутга қорадилад. Керагича ёғ солиб юборадилар, зувалаларни бирга тутамиз. Нон ясаймиз, чак-чак урамиз. Қўлимиз келишмаса ҳам сабр билан ўргатадилар. Ясалган нонлар сал тинган бўлади. Уларни саватга солиб, ўчоқ бошига олиб борадилар. Обдон кизиган тандирнинг ўтини пасайтириб, нон ёпилмиш жойларга сув селиб юборадилар. Ундан повуллаган, жизиллаган, фақат шу ҳолатгагина хос овоз чиқади ва ҳид таралади.

Онам ўнг қўлига рапида киядилар. Яна бошларини ўнгу сўлга энгаштириб тандирга қараб ола-

дилар. Сўнг рапида устига ясалган нонни кўйиб, унга жизза суртиб юборадилар ва ёпадилар. Биз нон пишаётган пайтда таралаётган

Оилам – кўргоним

«ОНАМ ЁПГАН НОНЛАР»

тотли ҳидни жуда ёқтираман. Айниқса, укаларим бундай вақтда тандир олдида кетгилари келмайди, ўзларига аталган қулчани кутишади. Онам ҳам ҳар гал: "Бу – Шўхратга", "Бу – Бахтиёрга", "Бу – Туйғунга" деб номма-ном қулча ясайдилар. Эшикли уй, битта-яримта бола-бақраси билан келиб қолишини ўйлаб яна уч-тўртта қўшимча қулча ҳам ясайдилар. Биз кап-катта бўлсак-да, айни шу қулчалардан ёғимиз келади, ўзимиз жуда мазали-да! Онам тандирдан қип-қизил пишган бўрсилдоқ нон-

ларни узиб орқа-олдига қосадаги сувдан суртиб юборадилар. Ним-татир буг кўтарилади. Ноннинг юзи янаям яраклаб кетади. Онам нонлардан қўшилларга чиқарадилар. "Қўшни ҳақи",

дейдилар. Ўзлариям икки тандир нон ёпадилар-да. Улар ёпган патирини қаймоққа қорилган дейсиз. Мана, шу ёшга кириб фақат бир мартагина онам ёпган патириларидек мазали патирини еганман...

Онагинам, ҳаммамизни тушунган, қарашларимиздан фикримизни илғаб олган онажоним. Биз энди ҳаёт йўлини танлаган ўғил-қизларимиз. Лекин, ҳар қадамда уларнинг ўзига меҳрларини сезиб тураемиз. Бизнинг жиндеккина муваффақиятимиз уларга қувонч кел-

тиради. Бирор ишимиз бўлса, биз билан баб-баравар ташвиш тор-тадилар, секинчимиздан баб-баравар севинаядилар. Укаларимнинг санъатдаги ҳаёти ҳаммамиздан ҳам уларга яқин бўлади...



...Отажоним босиқлар, унча ҳам фикрларини айтавермайдилар. Биз ижикилашиб гаплашиб ўтирганимизда улар кўпинча қулоқ со-

ладилар. Гапимизни дадамларга маъқуллиги, укаларимнинг ишидан мамнунликлари шундай юз-кўзларидан билиниб туради. Оиламизда одат тусига кириб қолган бир удум бор. Газетада бирор мақола, лавҳамиз чиқиб қолса, укаларим янги роль ўйнаса, телевизор орқали халққа манзур образ яратилса, кечқурун уни, албатта, нишонлаймиз. Онам алоҳида дастурхон тўзайдилар, ишдан борганимизча бирор тансиқ овқатга ун-наган бўладилар.

Биз улгайдик, ўқидик, тиндик, йўлимизни танладик. Лекин, она-оналаримиз берган таълим, улар тутган йўл биз учун машъала бўлди. Биз уларга қараб бўй олдик. Кимнинг фарзанди, кимнинг авлоди эканлигини унутмадик, унутмаймиз ҳам. Унга содиқ қолдик ва содиқ қолажамиз! Биздан кейин ўсиб, улгайиб келаётган набира-абираларимизга ҳам шуларни ўқитиб бораемиз.

Яйра САДУЛЛАЕВА
(Эсдаликлардан)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзили:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терийли ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввир
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Баҳоридин БАҲРОМОВ

ISSN 2010-9318.

Буюртма Г-1143. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 343 нусхада чоп этилди.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.30. 1 2 3 4 5